

## ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ РЕСУРС БАЗАСИНИ БАНКЛАРАРО КРЕДИТЛАР ОРҚАЛИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛЛАРИ

*Саримов Шахбозали Соатали ўғли,*

*Тошкент молия институтининг таянч докторанти*

*Тошкент, Ўзбекистон*

## WAYS OF STRENGTHENING THE RESOURCE BASE OF COMMERCIAL BANKS THROUGH INTERBANK LOANS

*Sarimov Shakhbozali Soatali ugli,*

*Doctoral student of the Tashkent Institute of Finance*

*Tashkent, Uzbekistan*

**JEL Classification:** E5, E58

**Аннотация.** Мақолада тижорат банкларининг ресурс базасини шакллантириши, ундан оптимал даражада фойдаланиши ҳамда мустаҳкамлашда банклараро ресурсларнинг аҳамияти, уларнинг ўзига хосликлари тадқиқ этилган. Мамлакатимиз банк амалиётида мавжуд бўлган "UZONIA" фоиз кўрсаткичи ва индекси таҳлил қилинган, хориж амалиёти билан солиштирилган ҳамда тегишли хулоса ва таклифлар шакллантирилган.

Шунингдек, банклараро кредитларга таъсир этувчи омиллар таҳлили ҳам тадқиқ этилган. Хусусан, Марказий банкнинг асосий ставкаси ва мажбурий захира ставкаларининг ўзгариши ва уларнинг банклараро ресурсларга таъсири таҳлил этилган.

**Abstract**

**Abstract.** The article examines the importance of interbank resources and their peculiarities in the formation of the resource base of commercial banks, its optimal use, and their strengthening. The "UZONIA" interest indicator and index existing in the banking practice of our country were

analyzed, and compared with foreign practice, and appropriate conclusions and proposals were formed.

Also, the analysis of factors influencing interbank loans was also studied. In particular, changes in the Central Bank's main rate and required reserve rates and their impact on interbank resources are analyzed.

**Калим сўзлар:** банклараро кредитлар, банк рисклари, банк даромадлари, фоиз ставкаси, асосий ставка, мажбурий захира, "UZONIA" фоиз кўрсаткичи ва индекси, банклараро пул бозори, РЕПО операциялари.

**Key words:** interbank loans, bank risks, bank income, interest rate, key rate, mandatory reserve, "UZONIA" interest rate and index, interbank money market, REPO operations.

**Кириш.** Ўзбекистонда миллий иктисодиётни барча манбаълар ҳисобидан модернизация қилиш сингари улкан ва мураккаб жараёни кечмоқда. Бу эса, ушбу дастурни амалга оширишга тижорат банкларни барча молиявий ресурсларини сафарбар этишни тақозо қилмоқда, шу

жумладан жуда кам ривожланган банклараро кредит ва депозит бозоридаги пул ресурсларини ҳам жалб қилган ҳолда.

Пул бозорининг бу сегменти бизнинг республикамизда жуда паст ривожланган ва унинг элементлари ҳамда механизми бошқа давлатларга нисбатан шаклланишнинг дастлабки боскичида турибди. Юқоридагилардан хулоса қиладиган бўлсак мавзу ўрганилмаганлиги жиҳатидан ҳам ниҳоятда долзарбдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон Фармони билан тасдиқланган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, шунингдек, хусусий сектор ривожланишини рағбатлантириш, банкларнинг инвестициявий жозибдорлигини, банк хизматлари оммабоплиги ва сифатини ошириш учун банк секторини тубдан трансформация қилишга хизмат қилмоқда. [1]

Молиявий секторни изчил ислоҳ қилиш давомида қатор чора-тадбирлар амалга оширилди ва натижада илғор банк бизнесини юритиш ҳамда ушбу секторда рақобат муҳитини кучайтириш учун зарур ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилди.

**Материал ва метод.** Мамлакат иқтисодиётида кўп сонли тижорат банклари ва уларнинг филиаллари мавжуд бўлган шароитда улар ўртасида ўзаро алоқалар ўрнатиш талаб этилади. Бу алоқалар корреспондентлик муносабатлари тизими орқали амалга оширилади. Корреспондентлик муносабатлари корреспондент банклар

ўртасидаги ишончнинг муайян даражасини акс эттириб, банкларнинг ўзаро топшириқлари бажарилишига имконият яратади. Корреспондентлик муносабатлари ўзаро банк хизматларининг кенг мажмуини назарда тутади.

Бизнинг назаримизда, моҳияти, мақсади ва вазифалари хусусида сўз йуритишдан олдин, банклараро кредитларни иқтисодий моҳиятини аниқлаб олиш жуда муҳим.

Хорижий ва маҳаллий иқтисодчилар “банклараро кредит” тушунчасини ҳар хил талқин қилишади.

Француз иқтисодчи олимлари Жан-Шарль Роше и Жан Тиролларнинг таъкидлашича: “банклараро кредитлар – тижорат банкларининг молиявий ресурсларга эҳтиёж сезганда тез, ишончли ва нисбатан арзон қондириш хусусиятларига эга бўлган бўш турган пул маблағларидир. Шунингдек, банкларнинг асосий даромад топадиган операцияларидан биридир [2].

Профессор О.И.Лаврушин “Банклараро кредитлар” – бу банклар бўш пул маблағларини бир – бирлари билан банклараро ресурс бозорида алмаштириш ва оширишидир, деган фикрни қайд этиб ўтган [3].

И.Ю.Туманованинг таърифича, “банклараро кредит - бу пул бозори воситаси, жорий ликвидликни сақлаш учун банклар томонидан бир-бирига бериладиган кредит” [4].

Н.Бровкинанинг фикрича, Банклараро кредит - бу банклар томонидан кредит ташкилотларининг вақтинча бўш пул маблағларини жалб қилиш ва ўзаро жойлаштириш [5].

Р.Мусинанинг таъкидлашича, тижорат банкларининг банклараро кредитладан кенг фойдаланиши уларнинг

молиявий имкониятларини оширади, ҳамда ушбу восита орқали тақдим этиладиган маблағлар ҳажмининг кўпайиши ёрдам беради. Аксинча, банклараро кредитларнинг қисқариши маблағларнинг қайтарилмаслиги, йирик тижорат банкларининг бозордан чиқиб кетиши натижасида кредитлаш секторида ликвидлик инқирозини келтириб чиқаради [6].

Профессор Ф.Холмаматовнинг таъкидлашича, жалб қилинган банклараро кредитлар ва депозитлар банкларнинг кредитлаш фаолиятини ошишида муҳим аҳамият касб этади, шунингдек, активлар диверсификация даражасини оптималлаштиради, кредит рискинни пасайтиришга хизмат қилади. Аммо мазкур кредитларнинг фоиз ставкаси нисбатан паст бўлганлиги сабабли банк даромадлилик кўрсаткичларини пасайтириш мумкин. Ривожланган мамлакатлар амалиётида банклараро ресурслар бозори жуда самарали фаолият юритганлиги сабабли, банкларнинг молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжларини жуда қисқа муддатда қондиришга хизмат қилади [7].

Шунингдек, мазкур кредитларда рискларнинг пастлиги сабабли муаммоли кредитларга айланиш эҳтимоли жуда паст ва бу банкларда муаммоли кредитларни олдини олишда муҳим аҳамият касб этади [8].

Бизнинг фикримизча, банклараро кредит худди банк кредитидек кредитор сифатида банк иштирок этади бироқ, банклараро кредитнинг ўзига хослиги шу ерда тугамасдан банк нафақат кредитор сифатида номоён бўлади, балки қарздор сифатида ҳам иштирок этади. Банклараро кредит, банклар ўртасида белгиланган шартнома муддати розилиги ва нақд бўш пул маблағларига чамбарчас боғлиқдир.

## Натижалар.

Банклараро кредитнинг икки асосий вазифасини қайд этиш мумкин: банклараро кредитлар банк учун даромад олишнинг спекулятив усули, шунингдек жорий ликвидликни сақлаш воситаси ҳисобланади. Бу ҳол асосан банклараро кредитларнинг қисқа муддатли хусусиятини белгилайди: улар, одатда, 1-2 кунга берилади.

Бундай қисқа вақт ичида банкнинг молиявий ҳолати ўзгариши мумкин эмас, шу сабабли кредит берилган ҳолда қарз олувчи банкнинг кредит қобилиятини таҳлил қилишни амалга ошириш учун ҳожат ҳам, имконият ҳам мавжуд бўлмайди.

Банклараро кредитга бўлган эҳтиёжлар таснифи:

тўлов айланмасидаги узилиш – кредит суммаси қарз олувчининг ўз капиталидан ортиқ бўлмаслиги тавсия этилади;

жорий ликвидликка бўлган эҳтиёж; жалб қилинган ва жойлаштирилган маблағларнинг муддатлари ва суммалари ўртасидаги номуносивлик;

актив ва пасив операциялар бўйича мукофот ставкаларидаги тафовут ҳисобига даромад олиш;

валюта фонд бозорида операцияларнинг кенгайиши.

Пировард қарз олувчи кредитни қайтармаслиги эҳтимоли банк кредитор банк олдида ўз мажбуриятларини бажармаслиги хавфини юзага келтиради. Кредитни қайтариш учун банк “қисқа пуллар”ни қарз олишга мажбур бўлади. Шунинг эътиборга олиш лозимки, бу чора ликвидлик муаммосини ҳал қилиш имконини бермайди. Натижада банклараро инқироз юзага келиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси  
Банклараро пул бозорининг “UZONIA”

индексини (Uzbek Overnight Index Average – ўртача овернайт индекс) ҳисоблаш ва эълон қилиш методологияси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан банклараро пул бозорида амалга ошириладиган операциялар бўйича фоиз ставкалари ва индексларни ҳисоблаш ва эълон қилиш тартиб қоидаларини ўзида акс эттиради.

“UZONIA”ни ҳисоблаш тартиби Пул бозор ишчи гуруҳи йиғилишларида тижорат банклари иштирокида муҳокама қилиниб, келишилган ҳолда ишлаб чиқилган. Ушбу кўрсаткич тижорат банклари учун миллий валютада ўзаро депозит ва кредит операцияларини амалга ошириш учун кредит, ликвидлик ва бошқа хатарлар минимал бўлган овернайт фоиз ставкасини ифода этади.

“UZONIA” (Uzbek Overnight Index Average) – фоиз кўрсаткичи бўлиб, таъминланмаган банклараро пул бозорида тижорат банклари ўртасида миллий валютада овернайт шартларда амалга оширилган депозит операциялари бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаси кўринишида ҳисобланади.

“UZONIA” фоиз кўрсаткичи ва индексини ҳисоблаш тартиби қуйидагича:

“UZONIA” фоиз ставкаси Банклараро пул бозорида кун давомида амалга оширилган “80 фоизлик қирқилган” овернайт депозит

операциялари бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаси кўринишида ҳисобланади. Пул бозоридаги амалиётлар сифатида Ўзбекистон республика валюта биржасидаги “Банклараро пул бозоридаги электрон савдо платформаси”да тижорат банклари ўртасида амалга оширилган овернайт депозит операциялари олинади.

“UZONIA” фоиз ставкасини ҳисоблаш базасига киритиладиган ҳар бир индивидуал операциялар ёки кун давомидаги умумий операциялар ҳажмига нисбатан ҳеч қандай чекловлар қўлланилмайди.

“UZONIA” фоиз ставкасини ҳисоблашда:

а) Банклараро пул бозорида кун давомида амалга оширилган барча овернайт депозит операцияларнинг номинал фоиз ставкаси бўйича энг пастдан ўсувчи кетма-кетликда жойлаштирилади;

б) номинал фоиз ставкаси бир хил бўлган операциялар ҳажмлари умумийлаштирилади ва операциялар сонига кўпайтирилади;

в) энг юқори ва энг паст фоиз ставкада амалга оширилган 10 фоизлик операциялар ҳисоблаш базасидан чиқарилади;

г) “UZONIA” фоиз ставкаси қолган операцияларнинг ўртача тортилган фоиз ставкаси сифатида қуйидагича ҳисобланади:

$$UZONIA = \sum_{i=0}^n \frac{(R_i * V_i)}{V}$$

(1)

Бунда:

$R_i$  – номинал фоиз ставкаси;

$V_i$  – номинал фоиз

ставкада амалга  
оширилган  
овернайт

операциялар ҳажми;

V – ҳисоблаш базасидаги барча операциялар ҳажми.

Тижорат банклари томонидан фойдаланишда қулай бўлиши учун Марказий банк томонидан "UZONIA" фоиз ставкасида ташқари муддатли "UZONIA" фоиз ставкалари ҳам эълон қилиб борилади.

Дастлабки даврда 7, 30, 90 ва 180

кунлик муддатли "UZONIA" фоиз ставкалари эълон қилиниши йўлга қўйилади ва кейинчалик бозор иштирокчиларининг талаби асосида ушбу муддатли фоиз ставкалари қатори ўзгартирилиши мумкин.

Исталган давр учун муддатли "UZONIA" ставкасини ҳисоблаш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$\text{Муддатли } UZONIA_{\text{давр}} = \left[ \frac{UZONIA \text{ индекс}_{\text{давр охири}}}{UZONIA \text{ индекс}_{\text{давр боши}}} - 1 \right] * \frac{365}{T} \quad (2)$$

T – давр давомидаги календарь кунлар сони.

"UZONIA" фоиз ставкалари ва "UZONIA" индекси ҳар бир банк иш куни учун банк иш куни яқунланганидан сўнг Марказий банк томонидан ҳисобланиб, кейинги куни соат 10:00 гача Марказий банкнинг расмий веб-сайти, телеграм канали ва бошқа ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида эълон қилинади.

"UZONIA" фоиз ставкалари ва "UZONIA" индекси ҳисоб-китобларда аниқлик ва қулайликни ошириш мақсадида Телеграм каналида вергулдан кейин 4 та рақам аниқликда ва Марказий

банкнинг веб-сайтида вергулдан кейин 8 та рақам аниқликда эълон қилинади.

Овернайт ва муддатли "UZONIA" фоиз ставкалари йиллик фоиз ставка кўринишида эълон қилинади.

Мазкур кўрсаткичлар расман эълон қилинганидан кейин ҳақиқий ҳисобланади ҳамда ўзгартириш ва (ёки) тузатиш киритишга йўл қўйилмайди. Агар ҳисоб-китоб жараёнида йўл қўйилган хатолик 0,05 фоиз банддан юқори бўлса, Марказий банк томонидан "тузатилган" "UZONIA" фоиз ставкалари ва индекси эълон қилинган иш куни давомида қайтадан эълон қилинади.

жадвал-1

### 2023 йил май ойи учун тижорат банклари UZONIA фоиз ставкаси<sup>1</sup>

Сана	UZONIA	7-кунлик UZONIA	30-кунлик UZONIA	90-кунлик UZONIA	180-кунлик UZONIA	UZONIA индекс
29.02.2024	14.0000	14.0138	14.0462	14.1879	14.4766	136.2764
28.02.2024	14.0000	14.0138	14.0462	14.1879	14.4765	136.2242
27.02.2024	14.0000	14.0138	14.0461	14.2006	14.4765	136.1719
26.02.2024	14.0000	14.0138	14.0405	14.2003	14.4765	136.1197
23.02.2024	14.0000	14.0138	14.0351	14.2003	14.4759	136.0675

<sup>1</sup> [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz)-Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг расмий сайти асосида муаллиф ҳисоб-китоблари



22.02.2024	14.0000	14.0138	14.0154	14.2003	14.4710	135.9112
21.02.2024	14.0000	14.0138	14.0148	14.2003	14.4682	135.8590
20.02.2024	14.0000	14.0138	14.0148	14.2003	14.4655	135.8070
19.02.2024	14.0000	14.0138	14.0144	14.2003	14.4625	135.7549
16.02.2024	14.0000	14.0138	14.0142	14.2003	14.4595	135.7028
15.02.2024	14.0000	14.0138	14.0148	14.2003	14.4515	135.5469
14.02.2024	14.0000	14.0138	14.0148	14.2003	14.4487	135.4949
13.02.2024	14.0000	14.0138	14.0148	14.2003	14.4459	135.4429
12.02.2024	14.0000	14.0034	14.0144	14.2003	14.4451	135.3910
09.02.2024	14.0000	14.0034	14.0142	14.2003	14.4428	135.3391
08.02.2024	14.0000	13.8290	14.0140	14.2039	14.4361	135.1835
07.02.2024	14.0000	13.8143	14.0133	14.2057	14.4333	135.1317
06.02.2024	13.9276	13.8873	14.0099	14.2057	14.4305	135.0799
05.02.2024	13.9995	13.8977	14.0122	14.2065	14.4286	135.0284
02.02.2024	13.5938	13.8972	14.0122	14.2065	14.4278	134.9766
01.02.2024	13.8971	14.0054	14.0538	14.2221	14.4289	134.8260


Охирги йилларда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки пул бозори инструментларидан фаол фойдаланиб келмоқда. "UZONIA" фоиз ставкаси 2024 йил февраль ойида асосан 13,5-14,0 фоизни ташкил этган. Бунинг асосий сабаби 2023 йил 17 мартдан Марказий банк асосий ставкасининг 15 фоиздан 14 фоизга туширилиши ҳисобланади. Муддатлари бўйича 180-кунлик "UZONIA" фоиз энг юқори бўлиб, февраль ойи учун ўртача 14,5 фоизни ташкил этган.

"UZONIA" фоиз ставкаси тижорат банклари учун миллий валютада ўзаро депозит ва кредит операцияларини амалга ошириш учун кредит, ликвидлик ва бошқа хатарлар минимал бўлган овернайт фоиз ставкасини ўзида акс эттиришини таъминлаш мақсадида Марказий банк пул бозоридаги ўзгаришлар ва

фойдаланувчилар манфаатини тўғри акс эттириш нуқтаи назаридан ушбу методологияни доимий равишда ва камида йилда 1 маротаба қайта кўриб чиқади.

Бунда, киритилиши лозим бўлган ўзгартиришлар ва кўшимчалар Пул бозори ишчи гуруҳида тижорат банклари иштирокида атрофлича муҳокама этилади ва муҳокама натижалари Марказий банкнинг Кредит қўмитасига киритилади.

Монетар операциялар департаменти "UZONIA" фоиз ставкалари ва "UZONIA" индексининг ҳисобланиши ва эълон қилишини учун масъул ҳисобланади. Шунингдек, Департамент заруратдан келиб чиқиб Refinitiv, Bloomberg ёки бошқа хорижий статистик-ахборот платформаларида эълон қилиб борилишини таъминлайди.



**1-расм. 2024 йилда “UZONIA” индексининг ўзгариш динамикаси <sup>2</sup>**

“UZONIA” фоиз ставкаси муддатлар кесимида 13,21 фоиздан 14,20 фоизгача бўлганлигини кўришимиз мумкин.

Марказий банк асосий ставкаси - пул-кредит сиёсатининг асосий инструментларидан бири ҳисобланади. Банклараро пул бозоридаги фоиз ставкалари, шунингдек, Марказий банк томонидан банк тизимига ликвидликни тақдим этиш бевосита асосий ставкага боғлиқ.

Банклараро кредитларнинг фоиз ставкасига таъсир этувчи асосий омиллардан бири бу Марказий банкнинг асосий ставкаси ҳисобланади.

Марказий банк асосий ставкаси - пул-кредит сиёсатининг асосий

инструментларидан бири ҳисобланади. Банклараро пул бозоридаги фоиз ставкалари, шунингдек, Марказий банк томонидан банк тизимига ликвидликни тақдим этиш бевосита асосий ставкага боғлиқ.

Асосий ставка даражаси Марказий банк бошқаруви мажлисларида пул-кредит сиёсати шароитлари, жорий ва кутилаётган инфляция даражаси ҳамда макроиқтисодий ҳолатни инобатга олган ҳолда белгиланади. Одатда, агар инфляция даражаси кўтарилса, Марказий банк ҳам асосий ставкани кўтаради. Агар инфляция даражаси пасайса, бунда Марказий банк асосий ставкани пасайтиради.

<sup>2</sup> [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz)-Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий сайти асосида муаллиф ҳисоб-китоблари

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг асосий ставкаси<sup>3</sup>**

Амал қилиш муддати	Асосий ставка, фоизда
1	2
17.03.2023 й. - ...	14
22.07.2022 й. - 16.02.2023 й.	15
10.06.2022 й. - 21.07.2022 й.	16
18.03.2022 й. - 09.06.2022 й.	17
11.09.2020 й. - 17.03.2022 й.	14
15.04.2020 й. - 10.09.2020 й.	15
25.09.2018 й. - 14.04.2020 й.	16
28.06.2017 й. - 24.09.2018 й.	14
01.01.2015 й. - 27.06.2017 й.	9
01.01.2014 й. - 31.12.2014 й.	10
01.01.2011 й. - 31.12.2013 й.	12
15.07.2006 й. - 31.12.2010 й.	14

Инфляциянинг пасаявчи тенденцияси ва унинг прогноз динамикасида ҳамда макроиқтисодий шароитлардан келиб чиқиб, нархлар барқарорлигини таъминлаш бўйича мақсадлар доирасидан чиқмаган ҳолда иқтисодий фаолликни қўллаб-қувватлаш мақсадларида 2020 йил 15 апрелдан Марказий банкнинг асосий ставкаси йиллик 16 фоиздан 15 фоизгача пасайтирилди ва қатъий пул-кредит шароитлари бироз юмшатилиб, “нисбатан қатъий” фазага ўтиш бошланди. 2020 йил июль ойига келиб, пандемия билан боғлиқ вазиятнинг ёмонлашуви натижасида 10 июлдан бошлаб мамлакатимизда қатъий карантин чекловлари жорий этилди ва натижада иқтисодий фаолликнинг маълум бир тикланишдан кейин яна пасайиши кузатилди. Ушбу ҳолат аҳоли ва тадбиркорлар истеъмол талабининг бироз қисқаришига ҳамда таркибининг оптималлашишига олиб келди.

Назаримизда, Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси асосида бериладиган кредитлардан тижорат банкларининг барчасининг фойдалана олмаслиги салбий ҳолат бўлиб, ушбу банкларни кредит бозорида фаол иштирок этмаётганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Таҳлиллар ва ўрганишлар натижасида халқаро банк амалиётида пул-кредит инструментлари ичида қайта молиялаш ставкаси энг кўп қўлланиладиган ва самарали воситаси эканлиги маълум бўлди. Шу билан бирга, ушбу мамлакатларда уни ставкаси ҳам сезиларсиз даражани ташкил этади. Масалан, Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасининг ўртача даражаси 2024 йил январь ойи ҳолатига Японияда - 0,1 фоиз, Швейцарияда 1,5 фоиз, Малайзияда 3 фоиз, Норвегияда 3,25 фоиз, Жанубий Кореяда 3,5 фоиз, Швецияда 3,5 фоиз, Хитойда 3,65 фоиз, Еврохудудда 3,75 фоиз, Австралияда 3,85 фоиз,

<sup>3</sup> Марказий банкнинг ҳисобот маълумотлари асосида тузилди



Кувайтда 4 фоиз, Буюк Британияда 4,5 фоизни ташкил этган<sup>4</sup>.

Банклараро ресурслар фоиз ставкаси шаклланишига таъсир этувчи кейинги омил бу Марказий банкнинг мажбурий захира ставкасидир.

Мажбурий захиралаш – бу банкларнинг Марказий банкда очилган

махсус ҳисобварақларида сақланадиган маблағлари ва (ёки) вакиллик ҳисобварақларида юритиладиган, ўртачалаш коэффиценти хажмидан келиб чиқиб ҳисобланадиган, мажбурий захираларнинг ўртача миқдори ҳисобланади.

жадвал-3

**Мажбурий резервлар нормативлари<sup>5</sup>, фоизда**

Мажбурият тури	Мажбурий резерв нормативлари
1	2
<b>Юридик шахсларнинг миллий валютадаги депозитлари*</b>	4
<b>Юридик шахсларнинг чет эл валютасидаги депозитлари</b>	18
<b>Жисмоний шахсларнинг миллий валютадаги депозитлари*</b>	4
<b>Жисмоний шахсларнинг чет эл валютасидаги депозитлари</b>	18
<b>* Ушбу мажбурият турларига (0,8) ўртачалаш коэффиценти қўлланилади</b>	

Мажбурий резервлар – тижорат банклари томонидан Марказий банкда алоҳида очилган ҳисобвараққа мажбурий тартибда миллий валюта ва чет эл валютасида депозитга ўтказилган пул маблағлари. Марказий банк тижорат банкининг резерв шакллантириладиган мажбуриятларига нисбатан фоиз миқдорини ўрнатади.

Мажбурий резервлар норматив миқдори резерв шакллантириладиган мажбуриятларнинг ҳисоб китоб давридаги ўртача миқдорига мажбурий резервлар нормативини кўпайтириш орқали ҳисобланади.

**Хулоса.** Сўнги йилларда, жаҳон иқтисодиётининг тобора интеграциялашуви жадал суратлар билан ривожланиши молия-кредит институтлари ўртасида арзон ҳамда узоқ муддатли ресурсларга бўлган рақобатни сезиларли даражада кучайтиради. Ушбу вазият мустақилликнинг дастлабки даврида республикамиз тижорат банкларининг ресурс базасини шакллантириш жараёнида номоён бўлмаган бўлса-да, мамлакатимизда бозор муносабатларининг тобора такомиллашиб ва ривожланиб бораётган ҳозирги босқичда нисбатан сезилмоқда.

<sup>4</sup> [www.take-profit.org/statistic/interest-rate/](http://www.take-profit.org/statistic/interest-rate/) маълумотлари асосида тайёрланди

<sup>5</sup> Марказий банкнинг ҳисобот маълумотлари асосида тузилди

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари молиявий ресурсларининг депозит бўлмаган маблағлар ҳисобидан ресурсларни шакллантириш банклараро кредитга бевосита боғлиқдир.

Тижорат банкларининг депозитсиз ресурслари таркибида йирик манбалардан бири банклараро кредитлар ҳисобланади. Банклараро кредит тижорат банкларига қўшимча молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжини зудлик билан таъминлаш имкониятини бериш билан бирга, ресурсларни муддати жихатидан барқарор манбалар ҳисобидан шакллантириш имкониятини беради. Лекин шуни таъкидалаш лозимки, республикадаги тижорат банклари ушбу манбадан фаол равишда фойдаланишмайди. Бу ҳолат республикамизда банклараро кредит бозорининг юқори даражада ривожланмаётганлигидан далолат беради.

Банклараро кредит бозорида иштирокчиларнинг кўплиги банкларга тез-тез битим тузишга ёрдам беради (опертив битим) чунки битимларнинг

тезроқ тузилиши банкнинг ликвидлик ҳолатини ошиши ёки бўш пул ресурсларини ишлатиб фойда олиб келишга имконият бўлади.

Банклараро кредитларларни ривожлантиришда банклараро пул ресурслари бозорини мижозларга хизмат кўрсатиш тизимини соддалаштириш ва яна соддалаштириш керакки, токи банклар бу бозорга қизиқиш билан ва қийинчиликларсиз кириб келишини таъминлаш керак. Бу бозорни яна бир тарафи банкларга хизмат кўрсатиш ҳақларини имкон даражасида камайтириш ва иложи бўлса олиб ташлаш керак.

Банклараро кредитни ривожлантириш учун банклар келишган ҳолда ходимларини хориж тажрибаси асосида ўқитиб улардан яхши ва янги тажрибаларини олишлари керак бўлади ҳамда шу билан биргаликда Ўзбекистондаги банклараро кредит бозорида фақат йирик бош банкларини эмас, балки вилоят банкларини ҳам бу бозорга жалб этиш мақсадга мувофиқдир.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон Фармони
2. Jean-Charles Rochet and Jean Tirole. Interbank Lending and Systemic Risk. - Journal of Money, Credit and Banking., Vol. 28, No. 4, Part 2: Payment Systems Research and Public Policy Risk, Efficiency, and Innovation (Nov., 1996), pp. 733-762 (30 pages).
3. Лаврушин О.И. и др. Банковское дело. – М.: “ФиС”, 2014. – С. 556.
4. Туманова И.Ю. Межбанковские кредиты. – Форум молодых ученых. Издательский центр "ИУСЭР". -2019. - №3(31). – С. 353-340.
5. Бровкина Н. Е. Закономерности и перспективы развития кредитного рынка в России / Н.Е. Бровкина. – Москва : Кнорус, 2016. – 993 с.
6. Мусина Р.Р. Проблемы поддержания финансовой устойчивости банковской системы России / Р.Р. Мусина // Фундаментальные исследования. – 2017. – С. 91-98.
7. Chartayev Asqar, & Xolmamatov Farhod. (2022). THE PROFITABILITY INDICATORS OF COMMERCIAL BANKS IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN



AND THEIR MODERN STATE. *World Economics and Finance Bulletin*, 8, 141-148. Retrieved from <https://www.scholarexpress.net/index.php/wefb/article/view/710>

8. Uralovich, K. S., Toshmamatovich, T. U., Kubayevich, K. F., Sapaev, I., Saylaubaevna, S. S., Beknazarova, Z., & Khurramov, A. (2023). A primary factor in sustainable development and environmental sustainability is environmental education. *Caspian Journal of Environmental Sciences*, 21(4), 965-975. doi: 10.22124/cjes.2023.7155

9. Холмаматов, Ф. К. (2021). Республикамиз банк тизимида муаммоли кредитларнинг амалий ҳолати ва уларни камайтириш йўллари. *Scientific progress*, 2(2), 488-495.

10. Demiralp, Selva; Preslopsky, Brian & Whitesell, William (2004). "Overnight Interbank Loan Markets". Manuscript Board of Governors of the Federal Reserve. Retrieved from: <http://www.federalreserve.gov/pubs/feds/2004/200429/200429pap.pdf> (10 April 2015).

11. Fricke, Daniel & Lux, Thomas (2014). "Core–Periphery Structure in the Overnight Money Market: Evidence From the e–MID Trading Platform", *Computational Economics*, Vol. 45, No. 3, pp.359–395. doi: <http://doi.org/10.1007/s10614-014-9427-x> .

12. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари.

13. [www.statista.com](http://www.statista.com) сайти маълумотлари